

Маматов Баҳодир Сафаралиевич,
Тошкент молия институти “Баҳолаш иши ва
инвестициялар” кафедраси доценти, иқтисод
фанлари номзоди

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙӮНАЛИШЛАРИ

УДК: 64.35-624(575.1)

МАМАТОВ Б.С. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙӮНАЛИШЛАРИ

Мақолада ривожланган ва ривожлангаётган айрим мамлакатларда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Пенсия тизимига таъсир этувчи демографик омиллар, яъни туғилишнинг камайиши, умр кўриш давомийлигининг узайиши, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли улушининг ўсиб бориши ўрганилган ва уларнинг пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига таъсири очиб берилган. Авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган тақсимланувчи ва жамғарип бориладиган пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва қўлланилиши зарурияти таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тизими тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари бўйича илмий хуносалар шакллантирилган ҳамда миллий пенсия тизимини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия тизими, пенсия тизимини ислоҳ этиш, умр давомийлиги, пенсия суғуртаси бадаллари, молиявий барқарорлик, бюджет юки, бозор механизмлари, тақсимланувчи тизими, жамғарип бориладиган тизим, демографик омиллар.

МАМАТОВ Б.С. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РЕФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

В статье исследованы основные направления реформирование системы пенсионного обеспечения в некоторых развитых и развивающихся странах. Изучены демографические факторы, влияющие на пенсионную систему, такие как снижение рождаемости, увеличение продолжительности жизни, рост доли нетрудоспособного населения, и раскрыто их влияние на финансовую устойчивость пенсионных систем. Обсуждаются особенности и необходимость применения распределительной пенсионной системы, основанной на принципе солидарности поколений и накопительной пенсионной системы. Сформированы научные выводы о возможности применения в Узбекистане опыта системы пенсионного обеспечения зарубежных стран и разработаны предложения и рекомендации, направленные на развития национальной пенсионной системы.

Ключевые слова: пенсионная система, реформирование пенсионной системы, продолжительность жизни, страховые пенсионные взносы, финансовая устойчивость, бюджетная нагрузка, рыночные механизмы, распределительная система, накопительная система, демографические факторы.

MAMATOV B.S. PRIORITY DIRECTION REFORMING THE PENSION SYSTEM IN FOREIGN COUNTRIES

In the article is discussed the main directions of reforming the pension system in some developed and developing countries. The demographic factors affecting the pension system, such as a decrease in the birth rate, an increase in life expectancy, an increase the proportion of the disabled population, have been studied and these influences to the financial stability of pension systems has been discussed. The features and necessity of applying the pay-as-you-go pension system based on the principle of solidarity between generations and the funded pension system are analyzed. Scientific conclusions on the possibility of applying of some foreign countries experience in the pension system of Uzbekistan as well proposals and recommendations have been developed aimed at developing the national pension system.

Key words: pension system, pension system reforms, life expectancy, insurance pension contributions, financial stability, budgetary burden, market mechanisms, pay-as-you-go system, accumulation system, demographic factors.

Кириш.

Ҳар қандай мамлакатда пенсия таъминоти кекса ёшдаги фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишлариданdir. Ривожланаётган мамлакатларда жами аҳоли таркибидаги кексалар улушининг юқорилиги уларнинг пенсия таъминотини яхшилаш орқали турмуш фаровонлигини таъминлашдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан «ёши улуф инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маишӣ таъминотни яхшилаш бундан бўён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади» [1]. Ўз навбатида, ана шундай устувор вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва пенсия тизимига таъсир этувчи демографик омилларни илмий тадқиқ этиш орқали миллий пенсия тизимини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунёдаги барча мамлакатларда меҳнат бозори ва пенсия тизимлари бекарорлашувининг асосий сабабларидан бири ҳам демографик омиллар таркибидаги туғилишнинг камайиши бўлиб, бу табиий равища мөннатга лаёқатсиз аҳоли улушининг ўсишига олиб келади. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, «1975 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда ёки 30 йил давомида фертил (туғиш) ёшидаги бир аёлга тўғри келувчи болалар сони Африкада 6,72 дан 4,97 гача, Осиёда 5,08 дан 2,47 гача, Европада 2,16 дан 1,40 гача,

Шимолий Кореяда – 2,01 дан 1,99 гача камайган» [2].

Иккинчи энг муҳим демографик омиллардан бири – умр кўриш давомийлиги. Экспертларнинг прогнозларига кўра, «2005 йилдан 2050 йилгача ёки 45 йил давомида Африкада ўртacha умр кўриш даври 49,1 йилдан 65,4 йилгача, Осиёда 67,3 дан 77,1 йилгача, Европада 73,7 дан 80,6 йилгача, Шимолий Америкада 77,6 дан 82,7 йилгача узаяди» [3].


Ушбу икки демографик омил, яъни туғилишнинг камайиши ва умр давомийлигининг узайиши пенсия тўловларини молиялаштиришнинг тақсимот тизими¹ эга бўлган мамлакатларда ижтимоий суғурта дастурларини ислоҳ қилиш моделини танлаш учун жуда муҳимдир. Чунки, айнан, ушбу тизимлар демографик омиллар таъсирига бевосита боғлиқдир. Бундай шароитда, эксперталарнинг фикрига кўра, «пенсия ёшининг оширилиши пенсия тизимларининг молиявий мувозанати муаммосини ҳал қилишнинг бирмунча самарали усули» бўлиб, мазкур муаммо дунёнинг етакчи олимлари томонидан кенг миқёсда тадқиқ этилмоқда. [4]

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Узоқ хорижлик олимлардан Anita M.Schwarzнинг илмий тадқиқотларида [5] пенсия тизимлари таҳлил қилинган. Унинг фикрича, анъанавий пенсия тизимларидаги инсонлар суғурта бадаллари тўлашлари ва бу бадаллар миқдори

¹ Пенсия тўловларини молиялаштиришнинг тақсимот тизими деярли, барча мамлакатларда амал қиласи, шу жумладан, Узбекистонда ҳам. Ушбу тизимда пенсиянерларнинг пенсиялари ҳозирда иш билан банд бўлганлар ҳамда иш берувчиларнинг ижтимоий суғурта бадаллари ва ягона ижтимоий тўловлари ҳисобидан туланади. Шунинг учун мазкур тизим авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган «тақсимланувчи» пенсия тизим деб номланади.

1-расм. Айрим мамлакатларда пенсия харажатларининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улушининг прогноз кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида) [11].



ва тўлов даврийлигига қараб, пенсия тайинланиши ва молиялаштирилиши, шунингдек ҳар бир фуқаро кексаликда даромадларининг ўйқотилишидан ижтимоий суғурталаниши зарур. Бундан кўринадики, пенсия таъминоти тизимида ижтимоий суғурта бадаллари муҳим аҳамият касб этади ва тақсимланувчи пенсия модели бирмунча самарали ҳисобланади. Таникли иқтисодчи олим David Blakening илмий ишларида [6] Буюк Британия пенсия тизими тадқиқ этилган. Хусусан, пенсия тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, пенсия таъминотига таъсир этувчи рисклар, пенсия фондлари активларини инвестициялаш самарадорлиги, пенсия таъминотини молиялаштиришнинг белгиланган бадаллар (defined-contribution) ва белгиланган тўловлар (defined-benefit) тизими ўрганилган. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун нодавлат пенсия таъминотини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Яқин хорижлик олимлардан В.Роикнинг фикрича, иш билан банд бўлган ҳар бир фуқаро пенсия фондига ижтимоий суғурта бадалларини тўлашлари лозим. Шунингдек, пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини оширишда нодавлат пенсия тизимининг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган [7]. Л.Федоровнинг илмий тадқиқотларида авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган тақсимланувчи пенсия тизими кескин демографик ўзгаришлар шароитида давлат бюджетидан трансферлар ажратилиши зарурлиги қайд этилган. Халқаро тажрибалар асосида кўп даражали (давлат пенсиялари,

жамғарib бориладиган пенсия ва хусусий пенсия фондлари) пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш тавсия этилган [8].

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан А.Вахабов ва Н.Мажидовнинг илмий тадқиқотларида жамғарib бориладиган пенсия тизимининг инвестицион фаолликка таъсири тадқиқ этилган ва уни ривожлантириш йўналишлари асослаб берилган [9]. И.Ф.Д.Рустамов томонидан Ўзбекистонда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган ва бу борада кўп даражали пенсия тизимини ривожлантириш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган [10].


Тадқиқот методологияси.

Мазкур мавзуни ёритишда таҳлил, индукция, дедукция, тизимли ва комплексли ёндашув услуларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлар каби Осиё мамлакатлари пенсия тизими бугунги кунда Европа ва Шимолий Америка пенсия тизими билан бир хил муаммоларга дуч келмоқда. Нисбатан юқори даражадаги умр кўриш давомийлигига эга Японияда пенсия таъминоти тизимининг молиявий муаммолари бугунги кунда кескин тус олмоқда. Ушбу муаммоларнинг кескин тус олиши келгуси 10 йилликда Хитой, Жанубий Корея ва Сингапурда куттилмоқда. Осиё мамлакатлари аҳолиси кексайишнинг прогноз даражаси бугунги кунда бошқа мамлакатларда шунга ўхшаш кўрсаткичларни ортда қолдиради. Бу эса меҳнат бозоридаги муаммоларнинг кескинлашуви, маз-

2-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда пенсия суғуртаси бадаллари ставкаси (иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида) [14].



кур мамлакатлар бюджети барқарорлигининг пасайиши ва пенсия тизимида тақчилликнинг ўсиб бориши каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Пенсия таъминоти учун харажатларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмидаги улушининг прогноз кўрсаткичлари қўйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Экспертларнинг прогнозларига кўра, пенсия таъминоти учун харажатларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуси 2050 йилга келиб, 2014 йил билан таққослаганда Малайзияда 1% дан 2%га, Сингапурда 1% дан 2,3%га, Гонконгда 1,3% дан 3% га, Австралияда 5% дан 7% га, Жанубий Кореяда 2,5% дан 7,1% га, Янги Зелландияда 7,5% дан 13,9% га, Хитойда 5,1 % дан 14,2% га ва Монголияда 8,9% дан 27,5% га ўсади.

Осиё мамлакатлари пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи ўтган асрдаги анъанавий механизмлари эндиликда ишламаяпти. Ушбу мамлакатларда пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш воситаси сифатида жамғарib бориладиган пенсия тизими нисбатан яқинда жорий қилинди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, пенсия олувчиларга давлат пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, шунингдек, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида ислоҳотлар олиб борилди, натижада 2005 йилдан бошлаб республикамизда фуқароларнинг

жамғарib бориладиган пенсия тизими амалиётга жорий қилинди [12].

Бундан ташқари Осиё мамлакатлари мажбурий пенсия суғуртаси, фуқароларнинг пенсияларини шакллантиришда биргаликда молиялаштириш, ижтимоий суғурта бадали миқдори ва иш ҳақи даражасига қараб, пенсия формулаларини қўллаш орқали ўзларини синаб кўрмоқда. Бироқ, мутахассислар фикрича [13], Осиё мамлакатлари пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ушбу мамлакатлар аҳолисининг пенсия ёшига боғлаш асосий рол ўйнайди ва шу билан бирга «авлодлар бирдамлиги» тамойили бузилишининг олди олинади. Масалан, Финляндия, Португалия ва Германияда кутилаётган умр кўриш давомийлиги коэффициенти пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлиги омиллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Хозирги кунда деярли барча мамлакатларда пенсия ёшини тартибга солиш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва танлаш масаласи жуда муҳимдир. Ана шундай мезонлардан бири умр давомийлигининг узайиши ҳисобланади. Канада, Дания, Португалия, Финляндия ва Гречия каби мамлакатларда умр давомийлигининг узайиши шароитида пенсия тизимини молиялаштириш масалалари пенсия ёшини ошириш билан тартибга солинади. Ушбу мамлакатлarda ҳар беш йилда бир марта умр давомийлиги ва пенсия ёшининг қиёсий мониторингини ўтказишнинг автоматлаштирилган тартиби жорий қилинган. Бу уларга давлат пенсия таъминоти тизими доирасида пенсия ёшини ошириш зарурлигини асослашга имкон беради. Масалан, Чехия Республикасида умр кўриш давомийлиги бўйича ижобий динамика кузатилса, ҳар

йили пенсия ёши автоматик тарзда 2 ойга оширилади. Францияда пенсия ёшини тартибга солиш мезонлари фуқаро ҳаётининг иқтисодий фаол даври билан унинг пенсияда бўлиш даври орасидаги нисбатга (66:33) риоя қилишга асосланади.

Саноати ривожланган мамлакатларда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини тартибга солиш воситаси сифатида пенсия суғуртаси бадаллари ставкасининг даражаси фаол қўлланилади. Унга оид прогноз кўрсаткичларни 2-расм орқали кўриш мумкин.

Германияда ушбу бадалларнинг ставкалари пенсия тизимининг молиявий барқарорлиги учун асос бўлган мезонларга мос келмаса автоматик равища тартибга солинади. Канадада пенсия бадаллари ставкалари икки ҳолатда ўзгартирилиши мумкин: биринчи ҳолатда, қонун билан белгиланган пенсия суғуртаси бадаллари ставкаси даражаси пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини зарур даражада таъминламаса, иккинчи ҳолатда, ҳукумат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бошқа усулларини топа олмаса.

Шундай қилиб, Европа мамлакатларида ва Шимолий Америка мамлакатларида пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини автоматик тарзда тартибга солишнинг бирмунча самарали воситалари икки мезонга асосланади: пенсия ёши ва пенсия суғуртаси бадаллари ставкаси даражаси. Пенсия тизимининг ушбу «автоматик созлаш механизми»нинг асосий афзаллиги шундаки, унинг хатти-ҳаракатини тахмин қиласа бўлади ва нисбатан сода: ушбу механизmdаги танланган мезонлардан (ўзгарувчилардан) бирининг ўзгариши автоматик равища пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимнинг ишлаш параметрарининг ўзгартирилишига ва унга мослашишга олиб келади.

Лекин, «автоматик созлаш механизми»нинг қўлланилиши салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Барча шахслар учун пенсияга чиққанларидан сўнг умр давомийлигининг узайини ҳисобга олган ҳолда пенсия ёшининг автоматик равища оширилишида қўйидагилар ҳам ҳисобга олиниши зарур: турли даражадаги таълим ва кўникмаларга эга бўлган шахслар, нафақат, умр давомийлигининг турли кўрсаткичларига эга бўлишади, балки пенсияга чиққанларидан сўнг ўзларига муносаб иш топиш учун турли имкониятларга эга бўладилар, натижада пенсия ёши-

нинг оширилиши уларга йўқотилган даромадни қоплашига йўл қўймайди. Ушбу вазиятдан чиқиши йўли Японияда мавжуд бўлиб, у ерда иш билан банд аҳолининг аксарияти «автоматик созлаш механизми» воситалари билан боғлиқ бўлган шартномаларга эга бўлиб, улар ҳар бир ходимнинг пенсия ёшини автоматик равища мослаштириб боради.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) мутахассисларининг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, умр давомийлигига қараб пенсия ёшини автоматик тарзда тартибга солишнинг жорий этилиши Осиё мамлакатларида ҳанузгача етарли дараҷада тарқалмаган (зарур даражада эътибор топмаган). Бундан ташқари, бир қатор тадқиқотлар кўрсатишича, Сингапур, Таиланд, Бруней, Шри-Ланка, Малайзия каби мамлакатларда пенсияга чиққанидан кейин аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 25-28 йилни ташкил қиласи, бу эса ушбу мамлакатлар пенсия тизимларининг молиявий ҳолатига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Табиийки, ушбу мамлакатларда пенсия ёшини ошириш мувозанатли пенсия тизимиға эришишнинг ягона воситаси ҳисобланади. Бироқ, Осиё мамлакатларида пенсия таъминоти тизимларининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Осиёдаги кўплаб мамлакатларнинг пенсия тизимлари турлича бўлиб, молиялаштиришнинг турли схемалари билан ажralиб туради. Масалан, фуқаролар билан ҳарбийларнинг пенсияларини молиялаштириш манбалари ва схемалари турлича. Хитойда ёлланма ишчилар, қишлоқ ва шаҳарда яшовчи фуқаролар пенсия таъминотининг турли схемалари мавжуд.

Япония пенсия таъминоти тараққиёти бўйича бой тажрибаларга эга. Япония ҳукумати 1985 йилда замонавий ижтимоий суғурта ва пенсия тизимини яратди. У уч даражали пенсия тизимдан иборат: асосий жамғарib борилувчи миллий пенсия тизими (ягона ставкада); мажбурий қасбий (мехнат) пенсия тизими (бадаллар ва ойлик маош миқдорига қараб); ҳусусий жамғарib бориладиган пенсия фондлари тизими.

Сўнгги йилларда Японияда демографик ҳолатнинг кескинлашуви ва пенсия тизимида кузатилаётган тақчиллик 1994 йилда янги ислоҳотларни амалга ошириш заруратини намоён қиласи ва бу ислоҳотлар қўйидагилардан иборат бўлди:

– тегишли муассасалар томонидан демографик прогнозлар таҳлили асосида пенсия ёшини

ошириш таклиф қилинди, пенсия индексацияси ўртача соғ иш ҳақи асосида ўзгариши белгилаб қўйилди, ҳомиладорлик ёки туғруқ таътилида бўлган кишилар пенсия бадалларидан озод қилиниши белгилади;

– касбий (мехнат) пенсия тизими шахснинг даромадига боғлиқ бўлиб, автоматик тарзда келишув асосида иш берувчи томонидан ходимнинг маошидан ушлаб қолинади ва улуш сифатида бюджетта ўтказилади. Бу турдаги пенсиянинг миқдори ўртача йиллик иш ҳақининг 28,5 фойзига teng. Бу турдаги пенсияни олиш учун шахс 20 йилдан 40 йилгача ишлаган ва ойлик бадалларни тўлаган бўлиши шарт. Ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга, шахс вафот этганида унинг ёш болали турмуш ўртоғига ёки фарзандининг ўзига пенсиялар белгиланади;

– хусусий жамғарма фондларида пенсия миқдори пенсионернинг муқаддам қанча муддат давомида ва қанча миқдорда бадаллар тўлаганига боғлиқ. Бу турдаги пенсия тизимида ҳам жамғарма фонди, ишчи ва иш берувчи ўртасида шартномага мувофиқ ходимнинг маошидан иш берувчи фирма томонидан белгилangan фойзда жамғарма фондига бадаллар ўтказиб борилади. Одатда, бу миқдор 4 фойзни ташкил қиласи. Хусусий жамғарма фондларига 25 ёшдан 65 ёшгacha бўлган фуқаролар аъзо бўлишлари мумкин. Бу турдаги фондларга маълум солиқ имтиёзлари берилади.

Японияда пенсияга чиқиш ёши 65 ёшни ташкил қиласи. Аммо, 70 ёшдан ҳам пенсияга чиқиш мумкин, бундай ҳолатда пенсионер юқори миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу шуни англатадики, Японияда кеч пенсияга чиқишни рағбатлантирувчи омиллар мавжуд.

Япония фуқаролари учун қариликда ижтимоий ҳимоясиз қолиш хавфи деярли мавжуд эмас. Япония ҳукумати ҳар қандай инқирозлар шароитида ҳам фуқароларининг пенсиясини 4-5 йилга етадиган даражада (захира) таъминлаб қўйган. Бунга ҳар қандай тараққий этган давлатнинг ҳам имкони йўқ. Масалан, тараққий этган мамлакатлардан Германия ва Буюк Британия пенсия фонди захиралари фуқаролар пенсиясини тўлаш учун атиги 2-3 ойга етади, холос.

Хитойда пенсияларни дастлаб давлат амалдорлари ва давлат компаниялари ишчилари олишган. Кейинчалик бу тизимга бозор ислоҳотлари натижасида хусусий секторда ишловчи шаҳар аҳолиси ҳам жалб қилинган. 2007 йилда 30 фойз

аҳоли пенсия таъминотига эга бўлган бўлса, қолганлари анъанавий тарзда фарзандлари томонидан парвариш қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, буюк хитой файласуфи Конфуций таълимотларига кўра, инсонийликнинг моҳияти ота-онага рисоладагидек хизмат қилиш, уларни охирги манзилига элтишдан иборат. Бу қоидаларга кўра, одобли фарзанд умр бўйи ота-онасининг хизматида бўлиши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши, парвариш қилиши, саломатлиги ва манфаати йўлида ҳамма нарсага тайёр туриши зарур. Ҳатто, улар ярамас, жиноятчи, ўғри ёки қотил бўлганларида ҳам, одобли фарзанд мулойимлик билан, ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам, уларни яхши йўлга қайтишга ундаши керак. «Фарзандларнинг ота-онага иззат-икром кўрсатиши Хитой давлатининг ҳамма жойида қонунан тан олинган, ҳаётий қоидага айланган, инсонийлик намуналари эса таҳсину-тақлидларга лойиқ деб топилган» [15]. Бундан кўринадики, Хитойда ижтимоий ҳимоянинг самарали тизими мавжуд эмас, уларда фарзандлар мажбурий тартибда ота-онасини парваришилаши зарур.

2009 йилда Хитой ҳукумати қишлоқ аҳолиси учун ҳам пенсияларни жорий қилди. 2012 йилда пенсия тизими Хитой аҳолисининг 55 фойзини қамраб олди. ХВФ экспертлари фикрича, Хитой пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирдан-бир йўли (ягона имконияти) пенсия ёшини ошириш ҳисобланади. Бугунни кунда Хитойда пенсияга чиқиш ёши нисбатан кичик бўлиб, эркаклар 60 ёшдан ва аёллар 55 ёшдан пенсияга чиқади. Бундай шароитда Хитойда эркаклар 18,5 йил давомида, аёллар эса 25,7 йил давомида пенсия олишлари кутилмоқда. Бу эса иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги шунга ўхшаш ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Агарда, Хитой ҳукумати пенсия ёшини ошириш чораларини кўрмаса, 2050 йилга келиб, эркаклар ўртача 24 йил ва аёллар 30 йил давомида пенсия олишлари мумкин бўлади. Бу эса мамлакат пенсия таъминоти тизими мувозанатининг ҳалокатли даражада ёмонлашувига олиб келади. Бундай ҳолатда «автоматик созлаш механизми» воситалари ёрдамида пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш мавжуд муаммоларни баратарф этиш имконини бермайди ва макроиктисодий даражада пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этади.

Шундай қилиб, Осиё мамлакатларида пенсия тизимларини ислоҳ қилиш жараёнида «автоматик созлаш механизм»дан фойдаланиш ҳозирги босқичда ёрдамчи характерга эга бўлиб, ушбу механизмнинг ўз вақтида амалга оширилиши билан истиқболда амалдаги пенсия тизимиға сезиларли даражада ўзгартириш киритиш заруратини камайтириш имконига эга бўлиш мумкин.

Пенсия таъминоти тизимининг фақатгина жамғарип бориладиган тамоилларидан фойдаланиш Чили, Аргентина, Перу, Уругвай, Колумбия, Боливия, Сальвадор, Мексика пенсия тизимларини ислоҳ қилиш учун хос. Аммо, уларнинг асосий хусусияти, аслида, амалга оширилаётган ислоҳотларни «қўл»да бошқариш эди. Ислоҳотларнинг моҳияти пенсия таъминотининг жамғарип бориладиган тизимлари тамоилларига асосланган хусусий пенсия таъминоти тизимларига ўтишдан иборат эди, яъни [16]:

- барча пенсия таъминоти тизимини шахсий пенсия жамғармалари ҳисоб рақамига ўтказиш;
- 10 йил давомида босқичма-босқич пенсия суғуртаси бадаллари ставкасини 5 фоизга ошириш, бу эса қоплаш коэффициентининг¹ 20 фоизга ошишига олиб келади;
- пенсия тизимидан олинган даромадларнинг бир қисмини тўғридан-тўғри пенсия миқдорларини оширишга йўналтириш;
- пенсия тизимиidan олинган даромадларнинг бир қисмини шахсий жамғарип борилагидан пенсия ҳисоб рақамларига йўналтириш;
- пенсия фонди бошқаруви аппаратини сақлашга йўналтириладиган маъмурий харажатларни қисқартириш.

Бироқ, жамғарип бориладиган пенсия тизими фойдасига тақсимланувчи пенсия тизимидан бутунлай воз кечиш пенсия тизимларининг бошқарув харажатларини кескин оширди, уларнинг аҳоли даромадлари даражасига боғлиқлигини кучайтириди, ўтиш даврида бюджет юкининг ошишига олиб келди. Хусу-

сий жамғармаларнинг кескин ўсиши ҳар доим ҳам иқтисодий ўсиш ва ички молия бозорининг тараққиётига олиб келмайди.

A.Jousten, M.Tanner, R.Diamond va J.Mirrlees, J.Gruber ва D.Wise каби хориж олимларининг тадқиқотларига кўра, пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарордорлиги давлатнинг молиявий воситаларини тартибга солишдаги иштироки даражасига сезиларли даражада боғлиқ. Уларнинг фикрича, давлат иштирокини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- пенсия таъминоти тизимининг даромадларини шакллантириш устидан назоратни амалга ошириш шакли – бутунлай хусусий сектор ёки тўлиқ давлат томонидан;
- давлат тузилмаларининг пенсия суғуртаси тизимида молиявий оқимларни тартибга солиш ва назорат қилишда иштирок этиш зарурати даражаси;
- пенсия фондлари ресурсларини инвестициялашни бошқариш жараёнида давлат тузилмалари ва хусусий компаниялар ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш;
- пенсия суғуртаси тизими учун давлат кафолат фондлари ёки қайта суғурталашнинг бошқа турларини шакллантириш зарурати даражаси.

Бошқача ифодалаганда, бу жараёнларда устунликнинг бош мезони – пенсия суғуртаси тизимида молиявий ва инвестицион оқимларни тартибга солишнинг бирмунча самарали воситалари давлат ёки хусусий тузилмаларнинг қайси бирида эканлиги ҳисобланади. Масалан, пенсия таъминоти тизимидағи инфляцион ва инвестицион рисклар шароитида хусусий компаниялар давлат секторига нисбатан бирмунча чекланган ҳимоя услубларини таклиф қилишлари мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Жаҳон амалиётида пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг мажбурий пенсия суғуртаси, аралаш пенсия модели, тақсимланувчи пенсия тизимлари ўрнини қопловчи ва пенсияни молиялаштиришнинг жамғарип бориладиган принципига асосланган пенсия моделлари мавжуд бўлиб, бу мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Иктисодиётда тақсимланувчи ва жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тизимлари соғ ҳолда учрамайди ва ҳар бир мамлакат макроиктисодий, демографик ёки сиёсий омиллар устунлигига қараб, ушбу

¹ Ишловчи меҳнат қилиш жараёнида маълум миқдорда иш ҳақи олади. Қонунчиликда белгиланган пенсия ёшига етганида пенсияга чиқади ва тегишли миқдорда пенсия олади (давлат пенсия таъминоти, жамғарип бориладиган пенсия таъминоти ва ҳ.к.). Олаётган пенсия миқдори меҳнат қилган даврда олган иш ҳақисининг қанча фоизини ташкил этаётганлигини қоплаш коэффициенти ифодалайди. Бу кўрсаткич ўртacha пенсия миқдорининг (Db) ўртacha иш ҳақига (Da) нисбатини ($K = Db / Da * 100$) ифодалайди. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тавсиясига кўра, бу кўрсаткич 40 фоиздан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

иккала тизимнинг у ёки бу элементларидан фойдаланади.

Европа, Шимолий Америка мамлакатлари ва Австралияда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини автоматик тарзда тартибга солишнинг «автоматик созлаш механизми» икки мезонга, яъни пенсия ёши ва пенсия суғуртаси бадаллари ставкаси даражаси асосланади ҳамда ушбу механизмдаги танланган мезонлардан (ўзгарувчилардан) бирининг ўзгариши автоматик равишда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимнинг ишлаш параметрарининг ўзгартирилишига ва унга мослашишга олиб келади.

Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, Хитой, Россия Федерацияси макроиқтисодий, демографик ва сиёсий жараёнлар динамикасига (даврий ўзгаришлар билан) қараб, миллий пенсия таъминоти тизимининг фаолиятида қонунчиликни такомиллаштириш орқали «қўл»да бошқаришнинг устунлиги намоён бўлади. Бунда ислоҳотларнинг моҳияти пенсия таъминотининг жамғариб бориладиган тизими асосида хусусий пенсия таъминоти тизимига ўтишдан иборат.

Пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг халқаро тажрибаларга асосланиб, Ўзбекистонда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъмин-

лаш мақсадида қўйидаги тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Пенсия жамғармасига ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш тизимини қайта жорий қилиш лозим;
- аҳолининг узоқ умр кўриш давомийлигининг ошиб бораётганлиги шароитида пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш керак;
- жамғариб бориладиган тамойилларга асосланган нодавлат пенсия тизимини яратиш ва унинг хукуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш орқали уч даражали пенсия тизимига ўтиш зарур;
- пенсия хизматлари сифатини ошириш учун тизимга ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий қилиш мақсадга мувофиқдир;
- кеч пенсияга чиқиши рағбатлантирувчи омилларни яратиш керак. Масалан, АҚШда фуқаро 70 ёшдан пенсияга чиқса, унга пенсия миқдоридан келиб чиқиб, 25 фоизгача устама берилади;
- фуқаролар меҳнат фаолиятининг бутун даври давомида пенсия захираларини шакллантиришдаги иштироки билан пенсия миқдорларининг боғлиқлигини кучайтириш зарур;
- норасмий секторда иш билан банд бўлганларни меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш орқали норасмий бандликни қисқартириш ва пенсия дастурларини молиялаштиришнинг суғурта механизмини кучайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birlgilikda barpo etamiz. – Toshkent: «O'zbekiston», 2016. 12-b.
2. Jousten A., Public Pension Reform: A Primer /IMF Working Paper Fiscal Affairs Department: Public Pension Reform: A Primer Prepared. Authorized for distribution by Michael Keen. February 2007. – P. 4.
3. <https://eee-region.ru/article/5511/>.
4. Coile C., P. Diamond, J. Gruber, and A. Jousten, 2002, «Delays in Claiming Social Security Benefits», Journal of Public Economics, 84 (3), pp. 57–85.; Diamond, P., and J. Mirrlees, 1978, «Social Insurance with Variable Retirement», Journal of Public Economics 10, pp. 295–336.; Tanner, M. «Saving» Social Security Is Not Enough / - M. Tanner // Social Security Privatization. – 2000. - №20. – P. 3 – 11.
5. Anita M. Schwarz. Pension System Reform. September 2006. Public Disclosure Authorized. Social Protection. The World Bank. – P. 4-5.
6. David Blake. The UK pension system: Key issues Received (in revised form): 9th April, 2003. Pensions Institute, Birkbeck College, University of London, Gresse St, London W1T 1LL, UK. Pensions Vol. 8, 4, 330–375 Henry Stewart Publications 1478-5315 (2003)

7. Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – С. 177-236.
8. Федоров Л.В. Развитие систем пенсионного обеспечения: теория, концепции, социальная динамика, бюджетно-финансовое совершенствование. Монография. – М.: РГСУ. 2016. – С. 5-29.
9. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғарип бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: Университет, 2017. – 128 б.
10. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 200 б.
11. Arbatli E., Feher, C., Ree J., Saito I., Soto M. Automatic Adjustment Mechanisms in Asian Pension Systems. – IMF Working Paper Asia and Pacific Department. December 2016. – P. 3.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни.
13. Arbatli, E., Feher, C., Ree, J., Saito, I., Soto, M. Automatic Adjustment Mechanisms in Asian Pension Systems. – IMF Working Paper Asia and Pacific Department. December 2016. – P. 28.
14. <https://eee-region.ru/article/5511/>.
15. Konfutsiy. Hikmatlar. – Т.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – B. 5.
16. Santoro M. Pension Reform Options in Chile: Some Tradeoffs IMF Working Paper Western Hemisphere Department Authorized for distribution by Stephan Danner March 2017. – P. 5.